



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2014 йил 5 июнь, пайшанба

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 110 (12.671)

Баҳоси эркин нарҳда



«O'ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT
DASTURINI AMALGA OSHIRISHNING
MUHIM XALQAROLARI»
XALQARO KONFERENSIYASI



**Сахий заминимизнинг
ҳар қаричи олтинга тенг.
Жаннатмонанд юртимиз
кўркам боғ-роғлари,
узумзорлари, уларда
етиштирилаётган
шириндан-шакар меваю
узумлари билан дунёни
ҳайратга солади.**

САХОВАТЛИ ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотларини қайта ишлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётган. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 11 январдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Маҳсулот етиштириш агротехникасини ривожлантириш, тезпишар ва сөрхосил навлар яратиш борасидаги изланишлар самарасида селекция олимларимиз томонидан ҳосилдор, касалликларга чидамли кўплаб янги навлар яратилди. Турли муддатда пишадиган сабзавот экинларининг 60 га яқин, меванинг 50 дан ортиқ, полиз экинларининг 20, қартошнинг 11, узумнинг 24 янги нави шулар жумласидандир.

Мулк эгалари томонидан қишлоқ ҳўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, қишлоқ ҳўжалигининг экспорт салоҳиятини оширишда кўл кел-

моқда. Энг асосийси, қисқа муддатда мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 октябрдаги «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони юртимизда мева-сабзавот етиштириш, уни қайта ишлаш, экспорт имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Соҳага қаратилаётган эътибор самарасида 2010-2014 йилларда боғлар 18,8 минг, узумзорлар 2,8 минг гектарга кенгайди. Ҳозир мамлакатимизда 253 минг гектардан ортиқ боғ ҳамда 136 минг гектардан зиёд тоқзор мавжуд. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бундай майдонларни янада кенгайтириш учун жорий йилда 2,2 минг гектар маҳаллий боғ, 8,9 минг гектар тоқзор ва 5,6 минг гектар интенсив боғ барпо этилди. 10,2 минг гектар боғ ва тоқзорлар реконструкция қилинди. Янги боғ-тоқзорлар ташкил этиш ҳамда мавжудларини таъмир-

лаш учун қарийб 18 миллион дона дарак ва тоқ кўчати етказиб берилди.

Мамлакатимизда боғ ва тоқзорларни кўпайтириш мақсадида интенсив технология асосида янги боғлар яратиш ҳам доимий эътиборда. Халқимиз дастурхони тўқиллигини таъминлаш мақсадида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириладиган ерлар кенгайтирилиб, Паркент, Бўстонлик, Янгийўл, Зангиота, Самарқанд, Жомбой, Асака туманларининг мева-сабзавот ва узум етиштиришга ихтисослаштирилган яхши самара бермоқда.

— Бугунги кунда тез ҳосилга кирувчи ва маҳсулдор ярим пакана дарак кўчатларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти директори Шермухаммад Юсупов. — 2011-2014 йилларда 13,5 минг гектар майдонда ана шундай боғлар бунёд этилди. Бундай боғлар Самарқанд, Тошкент, Андижон, Фарона, Наманган, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида тобора кенгаймоқда.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР — ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ

«Ўзэкспомарказ»да агросаноат комплекси учун минитехнологиялар ва ихчам асбоб-ускуналарнинг «Uzbekistan Agrominitech Expo - 2014» IX халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ҳамда қишлоқ ҳўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарининг «Uzbekistan Agrotechmash Expo - 2014» III халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий Алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Фермерлар кенгаши томонидан ташкил этилди.

Соҳага замонавий технологияларнинг жорий этилаётгани бу борада муҳим ўрин тутмоқда. Президентимизнинг шу йил 16 майда қабул қилинган «Қишлоқ ҳўжалигининг машинасозлик корхоналарини бошқаришни янада такомиллаштириш ва молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори мамлакатимизда агросаноат комплекси учун замонавий, унумдорлиги юқори, ички ва ташқи бозорларда рақобатбардор техника ва ускуналар ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

«Uzbekistan Agrominitech Expo - 2014» ва «Uzbekistan Agrotechmash Expo - 2014» халқаро кўргазмаларининг юқори савия ва кенг қўламада ташкил этилгани иқтисодиётимиз агросаноат секторини янада ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигини техник ва технологик қайта жиҳозлашга катта эътибор қаратилаётганидан далolat беради.

«Uzbekistan Agrominitech Expo - 2014» кўргазма-савдосида Хитой, Жанубий Корея, АҚШ, Франция, Германия, Испания, Эрон, Италия, Япония, Нидерландия, Россия, Туркия каби дунёнинг 26 давлатидан 150 дан зиёд компания иштирок этмоқда.

Унда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган ихчам линиялар, қадоклаш минитехнологиялари, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, боғдорчилик ва узумчилик ускуналари, чорва учун озуқа тайёрлаш жиҳозлари, ўсимликларни ҳимоя қиладиган кимёвий моддалар, ис-

сиҳона ҳўжаликларини ташкил этиш бўйича кенг турдаги маҳсулот ва хизматлар намойиш этилмоқда.

Анъанага кўра, кўргазма-савдода мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қайта ишлашга мўлжалланган замонавий, тежамкор технологиялар, боғдорчилик, узумчилик, қоракўлчилик ва терини қайта ишлаш учун зарур минитехника ҳамда ускуналар намойиш этилмоқда.

Мамлакатимиз компаниялари ўз стендларида қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ускуналарни ишлаб чиқариш борасидаги Ўзбекистон салоҳиятини кенг намойиш этмоқда. Бу ерда мева, сабзавот ва кўчатларни қуритиш камералари, паррандачилик инкубаторлари, қадоклаш-ўраш жиҳозлари, культиватор ва плуглар тақдим этилган. Мўқбил энергетика соҳасидаги ютуқлар, жумладан, олис қишлоқ ҳудудларида жойлашган объектларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга мўлжалланган қуёш фотоэлектр ва шомол электр станциялари хорижлик меҳмонлар эътиборини ўзига жалб этмоқда. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, фермер ҳўжаликлари учун зарур ELDOSH EL 150-1 уч гилдиракли юк мотоцикли ва автотиркачалар ҳам кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотаётган.

Кўргазмаларда «Ўзсаноатмашинмекс» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирадиган корхоналар ҳам иштирок этмоқда. Компания юртимизда ишлаб чиқариладиган саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш билан шуғулланади. Унинг йиллик товар айланмаси қарийб 900 миллион АҚШ долларини ташкил қилади, дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатда савдо операцияларини амалга оширмоқда.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ижросини ўрганишга бағишланган кўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

● Нукус шаҳрида миллий ҳунармандчилик маҳсулотларининг савдо-ярмаркаси ўтказилди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси, «Хунарманд» уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бирлашмаси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган савдо-ярмаркасида юзга яқин ҳунарманд ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

● Наманганда маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи компаниялар каталоглари кўргазмаси бўлиб ўтди.

● Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Либосларда — қадрият акси» деб номланган миллий ва замонавий либослар кўргазмаси бўлиб ўтди.

● Жиззахда «Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда қуйи босқичларда ғолиб бўлган 13 нафар иштирокчининг фаолияти акс эттирилган кўргазма намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

● Швейцариянинг қуёш батареялари ёрдамида учадиган «Solar impulse 2» самолёти ўзининг илк парвозини амалга оширди. Ҳаво лайнери 72 метр узунликдаги қанотларга эга бўлиб, унинг умумий оғирлиги 2,3 тоннани ташкил этади. Самолёт соатига 140 километр тезликда ҳаракатланиши мумкин.

● Буюк Британия, АҚШ, Италия ва швейцариялик тадқиқотчилардан иборат халқаро гуруҳ коинотда Ердан 17 баравар оғир сайёра мавжудлигини аниқлашди. Мазкур сайёра Ердан 560 ёруғлик йили узоқликда жойлашган бўлиб, унда кремний, темир каби қаттиқ моддалар борлиги айтилмоқда.

● Дунёга машҳур «Adidas» компанияси ноодатий спорт кийимини ишлаб чиқарди. «Climachill» деб номланган янги либоснинг ўзига хос жиҳати шундаки, у одамни бир зумда совитиш хусусиятига эга. Кийимни яратиш учун матосига титан толлари ва алюминий микросфераси қўшилган.

● Ўзига хос смартфонлар ишлаб чиқариш бўйича жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаган «НТС» компанияси даромади май ойида 703 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 27 фоиз кам. Таҳлилчилар ушбу ҳолат ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобат кескин ортигани таъсиридан, дея таъкидлашмоқда.

Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентда 5-6 июнь кунлари «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтади. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ушбу анжуманда 200 дан ортиқ чет эллик олимлар, экспертлар, инвесторлар ҳамда нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбар ва вакиллари иштирок этади.

ЎЗА мухбирлари конференциянинг хорижлик иштирокчилари билан суҳбатлашди.

Михаил КУЛИК, «Sampo Rosenberg» компанияси менежери (Финляндия):

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал тараққий этмоқда. Шу боис кўплаб давлатлар мамлакатингиз билан ҳамкорликни кенгайтиришга интиломоқда.

Компаниямиз галла ўрайдиган комбайнлар ишлаб чиқаради. Ўзбекистон галла мустақиллигига эришган кам сонли мамлакатлардан. Президент Ислам Каримов раҳнамолигида қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, галла ҳосилдорлигини ошириш, соҳага замонавий агротехнологияларни жорий қилиш борасида амалга оширилаётган ислохотлардан яхши хабардоримиз. Ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорликни кенгайтириш, мутахассислар алмашинувини йўлга қўйиш ниятидамыз.

Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш, фермер ва ишбилармонларга имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор

қаратилаётгани эътиборга молик. Бу мамлакат иқтисодиётининг изчил ривожланиши, озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланишида муҳим омилдир.

Нео По Им ДОРОТИ хоним, «Food Expertise» компаниясининг савдо менежери (Сингапур):

— Ўзбекистонда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлаш ва аҳолига етказиб бериш жараёни пухта шаклланишига ва бу бўйича катта тажриба тўпланганига гувоҳ бўлаяпмиз. Ўзбекистон нафақат саховатли тупроғи, тотли мева-сабзавотлари, балки қишлоқ ҳўжалиги техникаси, машиналари ва асбоб-ускуналарини ишлаб чиқариш саноатининг изчил ривожланаётгани билан ҳам фахрланас арзийди. Мамлакатингизнинг ушбу йўналишда фаолият юритадиган фирма ва компаниялари билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, муайян келишувларга эришиш имконига эга бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларининг хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек туманидаги Нодирабегим маҳалласи гуза-

рида «Оила маънавиятнинг муҳим бўғини, оиладаги тарбия» мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** шаҳримизда «Соғлом оилани шакллантириш асослари,

оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг баъзи бир масалалари» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туман маданият ва аҳоли дам олиш маркази

ташаббуси билан тумандаги «Дўстлик» маҳалла гузарига Соғлом бола йилига бағишлаб, ўсимлар ўртасида у-шу, стол тенниси, югуриш бўйича спорт мусобақалари ташкил этилди.

САХОВАТЛИ ЗАМИН НЕЪМАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)



Махсулот етиштириш, уни сақлаш ва тайёрлов корхоналарига етказиб беришда мулк эгаларига агрофирмалар кўмаги қўлаётган. Ҳозир транспорт хизмати, махсулотни қадоқлаш, жойлаш ва экспорт қилиш каби хизматлар кўрсатиш бўйича хўжалик юритувчи субъектларнинг ихтиёрий бирлашуви натижасида жойларда агрофирмалар шаклланди. Уларнинг қуриш-қадоқлаш цехлари туфайли деҳқон махсулотининг қадри ошиб, бозорларда наравонинг барқарорлиги таъминланмоқда.

Мамлакатимизда махсулотни танлаш имконияти йил сайин кенгаётгани харидорларга қўлаётган, — дейди Тошкент шаҳридаги «Само продукт» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Абдор Дадаҳўжаев. — Ўтган йили беш минг банкдан зиёд қовун, беҳи, қулпнай мураббоси, қовок, олхўри, олма павидлоси ҳамда қовун жемини аҳолига етказиб бердик. Жорий йилда молия муассасаларидан олинган кредит эвазига арзон, сифатли ва рақобатбардор махсулотлар тайёрлаб ички бозорни янада тўлдириш ҳамда экспорт қилиш ниятидамыз.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, кейинги уч йилда аҳолини қиш мавсумида ҳам сабзавот махсулотлари билан ўзлаш таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 23,4 минг тонна махсулот сақлашга мўлжалланган замонавий музлаткичи омборхоналар фойдаланишга топширилди. 10 минг 690 муқобил иссиқлик манбалари фойдаланишда энгил конструкцияли иссиқхоналар қурилиб, 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Жорий йилда мамлакатимизда аҳолини асосий турдаги арзон ва сифатли озиқ-овқат махсулотлари билан тўла таъминлаш мақсадида 255,8 минг гектар сабзавот, 81,5 минг гектар картошка ва 57,1 минг гектар полиз экинлари етиштирилади. Шу йилнинг биринчи чорагида етиштирилган 43,7 минг тонна сабзавот махсулотлари аҳоли дастурхонига етказиб берилди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА шарҳловчиси

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистонга биринчи келишим. Бу ўзгал мамлакат ҳақида кўп эшитганман. Айниқса, Самарканднинг довуғи бутун оламга таралган. Халқаро конференция доирасида уни зиёрат қиламан. Бу менга катта мамнуният бағишлайди.

Витаутас РУЗГАС, Литва кишлоқ хўжалиги институти директори:

— Ўтган йили Тошкентда ўтказилган «Замонавий уй-хўй қурилиш» — кишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгариштириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили» мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этгандим. Ўшанда нафақат пойтахтнинг, балки мамлакатнинг кишлоқ жойларида ҳам шаҳардагидан қилинмайдиган уйлар барпо этилганини кўрганман. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган замонавий уй-хўйлар кишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгариштириш, уларга ўзгача кўрк ва файз ба-

ғишлаш билан бирга, халқ ҳаётини обод, турмушини фаровон қилмоқда.

Ўзбекистоннинг бозорлари, дўконлари ва савдо марказларида, бўлиб, мамлакатнинг озиқ-овқат саноати юксак даражада ривожланганига амин бўлдим. Савдо расталаридаги бежирим қадоқланган ҳар бир махсулот юқори сифати, табиийлиги, ҳуш-таъмили ва, энг муҳими, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани билан эътиборимни тортиди.

Ўзбекистоннинг ноз-неъматлари бутун дунёда қадрланади. Саховатли ўзбек заминидан етиштирилаётган тотли мева-сабзавотлар Литвага ҳам кўпроқ боришини жуда хоҳлардим.

Мамлакатингизнинг ялпи ички махсулоти барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. Барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар аҳоли турмуш даражаси юксалишида муҳим омили бўлмоқда.

**Ирода УМАРОВА,
Нодира МАНЗУРОВА
ёзиб олди**

Ўқувчи-ёшларда Ватанга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳиссини янада кучайтириш, халқ ижодиёти дурдоналари, фольклор санъати, халқимизнинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, удулларини келажагимиз ворислари бўлган ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тасарруфидagi таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида Тошкент шаҳрида илк маротаба «Бахтиёрлар диёри» номи маданий-маърифий кўрик-танлов ўтказилди.

Танловлар

МУСТАҚИЛ ДИЁРНИНГ ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИ

Тошкент қурилиш-коммунал касб-хунар коллежида ташкил этилган ўшбу тадбир Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «Маънавият ва маърифат» маркази, Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан Тошкент шаҳар прокуратураси, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бошқаруви ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси тизимида жами 120 та академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари бўлиб, уларда жами 133621 нафар ўқувчи-ёшлар (61919 нафари қизлар) таҳсил олмақда. Ёшларга 10194 нафар ўқитувчилар 140 та мутахассисликлар бўйича малака ва кўникмалар бериб келмоқда. Ўқитувчиларнинг 20 нафарини фан докторлари, 287 нафарини фан номзодлари ташкил этади.

— Кўрик-танловнинг ноанъанавий томони — унда академик лицей ва касб-хунар коллежларининг иқтидорли ўқувчилари билан бир қаторда махсус рўйхатга олинган (ички ишлар идораларининг профилактика ҳисобида турувчи, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларини содир этган) ўқувчилар «Тенгдош — тенгдошга» шiori остида иштирок этиши, — дейди Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими

бошқармаси бўлим бошлиғи Замира Азимбаева. — Шунингдек, кўрик-танлов қатнашчилари маҳоратини илк бор малакали педагоглар билан бир қаторда «Нихол», Зулфия Давлат мукофоти совриндорлари, «Баркамол авлод» спорт мусобақаси, Халқаро ва фан олимпиада ҳамда фестиваллар ғолиблари баҳоладилар.

— Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси томонидан пойтахт прокуратураси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда 2014 йил учун чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган, — дейди Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Бобур Абдуллаев. — Унга кўра таълим муассасаларида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш, воға етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Тошкент шаҳар прокуратураси, шаҳар Адлия, Ички ишлар бош бошқарма-

лари ҳамда бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда маънавий-маърифий ҳамда профилактик тадбирлар ташкил этилмоқда. Бошқарма томонидан барча таълим муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлар ўртасида тарғиб-ташвиқот ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, 2014 йилнинг 15 январидан 1 апрелга қадар академик лицей ва касб-хунар коллежларида воға етмаган ёшлар ўртасида назоратсизлик, тартиббузарлик, жиноятчилик, гийёҳванд моддаларни истеъмол қилишнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, диний ақидапарастлик, миссионерлик иллатларига қарши манзилли профилактик тадбирларни тизимли амалга ошириш мақсадида давра суҳбатлари ташкил этилди. Тарғибот тадбирларида 121 мингдан зиёд ўқувчи-ёшлар жалб қилинди. Шунингдек, Тошкент шаҳар ИИББ идора ва тизимлари билан ҳамкорликда 2014 йилнинг 1 апрелидан 30 апрелига қадар «Ёшлар ва воға етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар ҳамда уларнинг олдини олиш масалалари» ҳамда Жиноят кодекси тегишли моддаларининг моҳияти» мавзуларида профилактик тадбирлар ўтказилган бўлса, 14 майдан 7 июлга қадар «Оғусиз дунё сари» мавзуидаги тадбирлар давом этмоқда.

Маданий-маърифий кўрик-танловда Тошкент солиқ, Республика эстрада ва цирк, Тошкент педагогика коллежлари жамоалари «Дунё тан олган юртим», «Истеъдод» ва «Бахтиёрлар диёри» каби шартлар бўйича ўзаро беллашди.

Кўрик-танлов сўнггида ғолиблар аниқланди. Натижаларга кўра 1-ўрин Тошкент педагогика коллежининг «Баркамол авлод» жамоасига насиб этди. 2-ўринни Республика эстрада ва цирк коллежининг «Тараққиёт», 3-ўринни Тошкент солиқ коллежининг «Келажақ» жамоалари эгаллашди. Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Зиёда РАСУЛОВА



(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ливадия-Бухоро» хусусий корхонаси стендида кенг турдаги қуруқ медаларни қайта ишлаш ускуналари намоиш этилаётган. Корхона ходимлари мева-сабзавот, доривор ўсимликлар, шунингдек, гўшт, балик, парранда ва макрон махсулотларини қуришти ускуналари ишлаб чиқиш, патент олган. Корхона махсулотлари МДХ, Европа, Осиё ва Америка мамлакатларида ўз харидорларига эга бўлмоқда.

«Тошкент трактор заводи», «Агрегат заводи» ва «Чирчиқшилоқмаш» очик акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари ва лизинг компаниялари иштирок этмоқда. Бу ерда ҳам кенг турдаги кишлоқ хўжалиги техникалари намоиш қилинмоқда.

«Тошкент трактор заводи» универсал «ТТЗ 80.10» ва «ТТЗ 80.11» тракторларини, «МХ-1,8» пахта териш машиналарини, трактор ва тиркамаларни намоиш этмоқда. «Агре-

гат заводи» кенг турдаги сеялка, ўроқ машиналар, минерал ўғит селгичлар, культиватор, кишлоқ хўжалиги машиналари учун бутловчи ва эҳтиёт қисмларни тақлиф қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 21 майда қабул қилинган «2012 — 2016 йилларда кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида»ги Қарори амалга оширилиши самарасида мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги машина-созлиги имкониятлари янада кенгайди. Мазкур қарор ижроси доирасида «Chirchiq Mash Agro» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилди. Бугунги кунда корхонада кенг турдаги агрегат ва ускуналар — культиваторлар, пflugлар, ер текислайдиган ва бошқа ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Кўргазмада Doosan, Daichi, Deadong (Жанубий Корея), Case, New Holland (АҚШ), CLAAS, Lemken, MAN (Германия) ва дунёга машҳур бошқа етакчи компанияларнинг 50 дан ортиқ техника турлари намоиш этилмоқда.

«Uzbekistan Agrominotech Expo» ва «Uzbekistan Agrotechmash Expo» кўргазмаларида мамлакатимиз фермер ва тадбиркорлари фаол иштирок этмоқда. Бу ерда тақдим этилаётган кенг турдаги махсулотлар фермер хўжаликлари ва ишлаб чиқариш корхоналари учун энг янги техника ва технологиялар билан танишиш, уларни ўзлаштириш имконини бермоқда.

Халқаро кўргазмалар доирасида замонавий хорижий технологиялар тақдими, фермерлар учун семинар ва уchrашулар ўтказилди.

«Uzbekistan Agrominotech Expo-2014» кўргазма-савдоси ва «Uzbekistan Agrotechmash Expo-2014» кўргазмаси ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатини янада ривожлантириш, экспорт ҳажминини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Бобур ОБИДОВ,
ЎЗА муҳбири**

Сергели тумани ҳокимининг
ҚАРОРИ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА 2014 ЙИЛДА ҲАҚ ТЎЛАНАДИГАН ЖАМОАТ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда; 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда; 2001 й., 5-сон, 89-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 25-26-сон, 225-модда; 2009 йил, 52-сон, 553-модда) 17-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 июлдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1999 й., 7-сон, 40-модда; Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2002 й., 5-6-сон, 46-модда) 353-сонли қарори ижросини таъминлаш, иш қидираётган шахс сифатида туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида рўйхатга олинган фуқароларга уларнинг вақтинча иш ҳақи олиши ва иш қидираётган даврида уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, марказ томонидан «иш-сиз» деб эътироф этилган фуқароларни вақтинча иш билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи марта иш қидираётган ва касби бўлмаган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб қилиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Сергели туманида 2014 йил учун ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этувчи корхона, ташкилотлар раҳбарларига: иловада қайд этилган ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил этиш таъминлансин;

жамоат ишларига жалб қилинган фуқаролар меҳнатига ҳақ тўлаш харажатларининг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қарашли корхона ва ташкилотлар бўйича 50 фоизи иш бевуричлар маблағлари ва 50 фоизи маҳаллий бюджет ҳамда иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан;

бошқа корхона ва ташкилотлар бўйича 75 фоизи иш бевуричлар маблағлари ҳисобидан, 25 фоизи иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин;

туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази йўлланмаси бўйича ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган фуқароларнинг жамоат ишига қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумот 3 кунлик муддатда марказга ёзма равишда хабар қилинсин.

3. Туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Ш.Дадашев):

корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин;

ҳақ тўланадиган жамоат ишларига юборилган ва иш билан таъминланган фуқаролар белгиланган тартибда ҳисобга олинсин.

4. Сергели тумани ҳокимининг 2012 йил 12 декабрдаги «Ҳақ тўланадиган жамоат ишларини ташкил қилиш ҳақида»ги 624-қ-сонли қарори бекор қилинганлиги инобатга олинсин.

5. Ўшбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга қиради.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Шомуратов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими
Ф.Максудходжаев**

2014 йил 27 май

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг poytaxt.uz сайти орқали танишиш мумкин.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Ёшларнинг, айниқса олий ўқув юртилари ва касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, «Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг ижроси, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, таълим муассасалари битирувчилари ҳамда маҳаллаларда истикомат қилаётган ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида Юнусобод тумани Маънавият ва маърифат Кенгаши, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Савдо-саноат палатасининг туман бўлими ҳамкорлигида туман ҳокимлиги боғида «Касблар кўни» доирасида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Тадбирга тумандаги олти касб-хунар коллежлари тавомлашган 114 нафар ёшлар тақлиф этилди. Уларга саноат, транспорт, ишлаб чиқариш йўналишидаги корхоналар, ташкилотлар, банклар, тикув цехлари ўзларидаги бўш ўринлар, корхона фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот бердилар. Тадбир давомида йигирмага яқин йигит-қизлар ўзлари қизиққан соҳалари бўйича ишга йўлланмалар олди.

(Ўз муҳбириимиз)



Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг саккизи

Қўмита томонидан Тошкент шаҳрида экологик ҳолатни соғломлаштиришга қаратилган атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларда текширишларни ташкил қилишни тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликка амал қилиш назоратини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, экология нуқтаи назаридан Тошкент шаҳри мураккаб экологик тизимдан иборат. Шаҳар 334 квадрат километрдан кўпроқ бўлган майдонни эгаллайди ва унда 2,3 миллион атрофида аҳоли истиқомат қилади.

Шаҳарда 3500 дан ортиқ саноат корхоналари ва бошқа объектлар мавжуд бўлиб, унда 400 мингта яқин автотранспорт воситаларидан фойдаланилади.

Атмосфера ҳавосининг ҳолати шаҳар саломатлигининг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Шаҳар атмосфера ҳавосининг унга ташланган чанг, олтингугурт диоксиди, азот оксиди, аммиак, фенол билан ифлосланиш даражаси санитар-гигиеник меъёрлар атрофида.

Йўл ҳаракатини оптималлаштирилиши, магистрал йўлларнинг кенгайтирилиши, йўл қопламалари сифатининг яхшиланиши, Кичик ҳалқа йўлининг, бир қатор йўл тугунларининг ечилиши ва йўл ўтказгичларининг қурилиши, шаҳар йўловчи транспорт паркларининг янгиланиши, уларнинг экологик хавфсиз ёқилги турларига ўтказилиши ҳамда корхоналар ва шаҳар кўчаларида мунтазам олиб борилаётган ўлчов-назорат ишлари натижасида

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси пойтахт ҳудудида атроф табиий муҳит муҳофазаси бўйича махсус ваколатли орган ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ягона тизимига кириб, унинг ҳудудий бўлими сифатида фаолият юритади.

автотранспортдан чиқарилаётган чиқинди газлар микдорининг 1990 йилга нисбатан 25 фоиздан зиёдроққа камайишига эришилди.

Пойтахтимиз экологик ҳолати ва саломатлиги кўп жиҳатдан уни таъминлаб турувчи сув ресурсларига ҳам боғлиқ.

Аҳолининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 99 фоизни ташкил этади.

РЕЖАЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

Сўнгги ўн беш йил мобайнида саноат сув оқавлари ҳажми бир неча баробарга қисқартирилган бўлиб, ҳозирда улар умумий ташлама сувларнинг атиги 6,4 фоизини ташкил этмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида Чирчиқ дарёси, Салор, Қорасув, Бўзсув каналлари, Қорақамиш коллекторларидан сувнинг сифати 2-2,5 баробарга яхшиланди.

Шаҳарнинг экологик ҳолатини белгилайдиган муҳим кўрсаткичлардан яна бири, бу — шаҳарнинг кўкаламзорлаштирилганлик даражасидир.

Яшил экинлар энг аввало атмосфера ҳавосини тозалайди, чиқинди газларнинг тарқалишига йўл қўймайди, шовқин даражасини пасайтиради, ҳаво ҳарорати ва қуруқлигини юмшатади.

Тўлақонли кўкаламзорлаштириш, шунингдек, атмосфера ҳавосининг чангдан деярли тўлиқ тозаланишини таъминлайди, бунда ҳавонинг зарарли микрофлора билан тўйинганлигини 40-45 фоизга пасайтиради.

Маълумки, бугунги кунда шаҳарнинг яшил экинлари умумий ҳолати сўнгги йилларда сезиларли

даражада яхшиланди. Тошкент деярли йил бўлиб гуллайдиган шаҳарга айланди. Эрта баҳордан то кечки кузга қадар гуллар, буталар ва дарахтларнинг ранг-баранг турлари кўзларни қувонтиради.

Шаҳар ҳудудини ифлослантириш манбаларидан бири бўлиб саноат ва маиший чиқиндилар ҳисобланади.

Сўнгги бир неча йиллар мобайнида чиқиндиларни тўплаш ва саралаш бўйича махсус майдончалар қурилди, янги техника харид қилинди, чиқиндиларни тушириш-ортиш бўйича 3 та станция ишга туширилди. Буларнинг бари чиқиндилар муаммосининг ҳал этилишига ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Тошкент шаҳар атроф-муҳит мониторинги мунтазам равишда олиб борилади ва таҳлил қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 2 апрелдаги «Атроф табиий муҳитнинг Давлат мониторингини тасдиқлаш тўғрисида»ги 111-сонли Низомига асосан МИЗ дастури асосида ҳаво бўйича 11 та корхоналарда, сув ресурслари бўйича 8 корхона ва 5 та каналларда мунтазам равишда мониторинг ишлари амалга оширилади.

Аҳолининг ва ўсиб келаётган авлоднинг экологик маданияти, билими, савиясини, маълумотини ошириш мақсадида шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тарғибот ва ташвиқот ишлари мунтазам равишда олиб боришмоқда.

Шомурод МУҲАМЕДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси



КОРХОНАДА — ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИГА БАҒИШЛАНГАН МЕДИАТУР

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва «Экоматба» ННТ ҳамкорлигида Соғлом бола йилига ва Бутунжаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўнига бағишланган «Экология ҳафталиги — 2014» доирасида GM Powertrain Uzbekistan ҚК ЁАЖ корхонасида «Айланма сув таъминоти технологиялари» экологик медиатурни ташкил этилди.

Медиатур қатнашчилари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Республика газеталари, радио ва телевидение журналистлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси мутахассислари ушбу корхонага ташриф буюриш жараёнида корхонанинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятини, компаниянинг Ўзбекистон Республикаси «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари талабларини амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш имконини берадиган мақсад ва вазифалари билан таништириш учун «Очқ эшиклар кўни» ўтказилди.

Корхона экологларнинг медиатур қатнашчиларига берган маълумотларига кўра, Тошкент шаҳрида очилган янги мотор заводи дастлабки двигателларни ишлаб чиқаришга киришди. Завод ҳар йили 225 мингта двигателни ишлаб чиқаришга қодир бўлиб, ушбу моторлар ҳам Ўзбекистонда, ҳам хорижда сотиладиган автомобилларга ўрнатилади.

Корхона «экологиялаштириш»га алоҳида эътибор қаратишини таъкидлаб ўтиш ўринли. Ҳозирги вақтда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш учун мўлжалланган амалдаги

чанг ва газ ушлагич қурилманинг иш самарадорлиги 96 фоиздан 99,9 фоизгача етади. Сувга оқизилдиган саноат чиқиндиларини тозалаш қурилмаси ишлаб чиқариш оқова сувларини ичимлик суви сифатигача тозалаш имконини беради. Корхонада ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кимёвий моддалар устидан назорат ва бошқарув тизими ҳам амалга жорий этилмоқда. Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини қайта ишлаш масаласи ҳал қилинмоқда. Ушбу кўрсаткич ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг 98,5 фоизини ташкил этади.

Шунингдек, корхона ходимлари оксидланган газ чиқиндиларини камайтириш учун инновацион ёндашувни қўллашди — улар дўрт мингта дарҳат кўчатни ўтказди ва бу ҳар йили оксидланган газ чиқиндиларини 60 тоннага камайтириш имконини беради.

Корхона ва пудратчи ташкилотлар ходимларининг экологияга оид билимларини ошириш масаласининг муҳимлигини эътиборга олиб, экологлар жамоатчилиги учун турли тренинглар, экологик акциялар ва бошқа тадбирларни ташкил этмоқдалар.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида эришган ютуқлари учун корхона 2012 йилда диплом билан тақдирланди. 2013 йилда эса унга «Ўз экологик изинини қисқартир» шаҳар танловида «Экологик соф ишлаб чиқариш» номинациясида ғолиб сертификатни топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

Огоҳлик

ФАРЗАНДАРНИГИЗНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ!

Ёз мавсуми бошланиб, кунлар қизиб борапти. Шубҳасиз, об-ҳавонинг тобора исиб кетиши туфайли фуқароларнинг сувга, чўмилишга бўлган эҳтиёжи ортиб бориши табиий. Афсуски, сувга чўкиб кетиш билан боғлиқ бўлган кўнгилсиз ҳодисалар ҳам учраб турибди. Сувга ғарқ бўлиш ҳолатларининг аксарияти қўриқланмайдиган дарё, канал ва анҳорларда кўпроқ кузатишмоқда. Аябчил томони шундаки, сувда чўкаётганларнинг кўп қисмини вояга етмаган ёш болалар ташкил этади. Бунинг асосий сабаблари, баъзи кишиларнинг сузишни яхши билмаслиги, чўмилиш қоидаларига риоя қилмаслик ва бошқа омиллардир.

Умумий таҳлилларга қараганда, чўмилиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, ёш болаларнинг ота-оналар томонидан назоратсиз қолиши, чўкаётган одамга ўз вақтида кўмак бера олмастик, яъни қутқарув усулларидан беҳабарлик, қирғоқдагиларга ёрдам кўрсата билмаслик сувда чўкиш ҳодисаларига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, сузиш пайтида энгилтаклик ёки лоқайдлик билан ўз кучига ортиқча ишониш, сув ва қайқидан безорилик ёки номуносиб ҳатти-ҳаракатлар қилиш ва нотаниш жойда ёлғиз ҳолда чўмилиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган эслатмаларга ҳар бир инсон риоя қилса, бир қанча нохуш ҳодисаларнинг олди олинган бўлар эди.

Ҳурматли ота-оналар!

Болаларингизни сувга чўкиб кетиш ҳолатлари билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалардан асрашни истасангиз доимо огоҳ бўлишингизни, фарзандларингизни ҳеч қачон назоратсиз қолдирмаслигингизни ва уларни чўмилиш тақилланган дарё, канал ва анҳорларда чўмилишга руҳсат бермаслигингизни тавсия қиламиз.

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармаси

Анжуманлар

ФУҚАРОЛАР ЙИГИНЛАРИ ВА ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида «Фуқаролар йиғинларининг ҳудудий профилактика инспекторлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Маълумки, давлатимиз раёси Имом Қаримов томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»га мувофиқ фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, уларнинг давлат органлари билан ижтимоий шериклиги ва ҳамкорлигини янада такомиллаштириш йўлида кенг қамровли ишлар изчил амалга оширилмоқда.

Анжуманда сўз олган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигини ўринбосари, полковник А. Мирзаев, ИИВ академияси бошлиғи, генерал-майор Ш.Икромов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси, юридик фанлари доктори Х.Рўметов ва бошқалар давлатимиз раёси бошчилигида эл-юртимиз тинчлиги ва аҳоли фаровонлиги, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хавфсизлигини таъминлашда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб, бунда фуқаролар йиғинларининг ҳудудий профилактика инспекторлари билан узлуксиз ҳамкорлиги яхши натижалар бераётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат бугунги кунда маҳаллаларда тинчлик ва оқойишталик, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ўсиб келаётган ёш авлоднинг турли қўриқчидаги таҳдидлардан ҳимоя қилишда фуқаролар йиғини ва профилактика инспекторлари ўртасидаги ҳамкорлиқнинг самарали тизими шаклланиб бораётганлиги таъкидланди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида миллия таънч пунктларнинг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ёнма-ён жойлашган фуқаролар йиғинларининг ҳудудий профилактика инспекторлари билан самарали ҳамкорлигини ташкил этишнинг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг аксарияти ҳузурида вояга етмаганларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун спорт майдончалари, турли тўғарақлар, кичик бизнес шохобчалари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кейинги йилларда фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги яраштирилган комиссиялари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи ва «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмасининг профилактика инспекторлари билан ҳамкорлигининг ўзига хос йўналишлари, шакл ва усуллари, ташкил этиш тартиби шаклланиб бораётганлиги таъкидланди.

Бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш, замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Унда хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари, турлари, ури амалга оширувчи ва иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари, хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўниий манфаатлари кафолатлари муҳассамлашган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди каби бир қатор идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган ушбу анжуманда «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти чуқур таҳлил этилиб, унинг ижросини таъминлаш бўйича бир қатор масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

«Konstrukt» илмий ишлаб чиқариш корхонаси жамоаси иш юритувчи Хуршида Кучкаровага отаси

Лазизхўжа АЗИЗХўжа ўғлининг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МИЛЛИЙ ЭКОЛОГИК ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ НЕГИЗИ

Биз яхши биламизки, қадимий китоб — «Авесто»да тўрт унсур — тупроқ, сув, олов, ҳаво муқаддас саналиб, уларни ифлослантириш қаттиқ гуноҳ, деб ўтирилади. «Авесто»да илгари сурилган ғояларга кўра, тозаланишнинг бош омили инсоннинг табиат билан уйғунлиқда ҳаёт кечиришидир. Шунинг учун сув — ҳаёт манбаи, ёшлик, куч-қудрат, янгиланиш, ҳосилдорлик, кут-баракат тисоли ҳисобланган. Демак, унинг ҳар бир томчиси эъзозланган, уни ифлослантириш қораланган.

Ҳаво — беғуборлик, софдиллик, тозалик, пок ниятилик, олижаноблик тисоли ва ҳаётнинг негизи сифатида қадрланган. Тупроқ — ҳалол меҳнат, табиат неъматларининг асосий манбаи ва илохий куч сифатида эъзозланган. Одамлар тупроқнинг софлигига катта эътибор қаратишган.

Оловга жасурлик, мардлик, қаҳрамонлик тисоли сифатида қаралади. Одамлар олов воситасида меҳнат қуроллари, ҳарбий қурол-яроғларни ясаган. Айниқса, у темирнинг итоатиди келтирувчи илохий куч сифатида қадрланган.

Бир қарашда буларнинг барчаси оддий нарсалардек кўриниши мумкин. Лекин, бу ғояларнинг замирида жуда улкан маъно-мазмун ётибди. Зеро, тозалик, софлик, поклик инсоннинг қалбидан бошланади. Бу ҳикмат бизга буюк қолдларимиздан мерос бўлиб ажралган.

Мазкур омилдан кўринадиган, ажодларимиз табиатни эъзозлашни, уни ҳар томонлама соф ва пок сақлашни ўзларининг асосий бурчлари, деб билишган. Шунинг учун ҳар икки дарё — Амударё ва Сирдарё орасидаги бу муқаддас замин одамлари — ота-боболаримиз қадим-қадимдан ҳаётни севиш, ҳар бир неъматининг қадрига етиш, табиат саховатидан баҳраманд бўлиш сингари инсонийлик фазилатларини эъзозлаб келишган. Айнан мана шу омилар бугунги миллий экологик қадриятларимизнинг негизини ташкил этади.

Бугун бутун жаҳонда глобаллашув жараёни шундай шиддат билан кечаяптики, экология муаммоси бир минтақа ёки бир мамлакат миқёси

да эмас, балки, барча қитъалар бўйлаб ўзининг таъсирини кўрсатмоқда. Бунга қўллаб-қувватлаш келтиришимиз мумкин. Шу боисдан ҳам миллий экологик қадриятларимизнинг негизи бўлган урф-одатлар, тозалик ва покликни ифодаловчи, эзгуликни мадҳ этувчи Наврўз байрамнинг аҳамияти беқиёс. Бундай қадриятларни аҳоли ўртасида, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, унинг маъно-мазмунини уларнинг онги ва қалбига сингдириш муҳим аҳамиятга моликдир.

Юқорида таъкидланганидек, атроф-муҳитнинг софлигини сақлаш, тозалikka эътибор бериш ҳар бир ўзбек оиласида қадрият сифатида минг йиллар олдин шаклланиган. Шунинг учун ҳам миллий экологик қадриятлар, деганда ушбу омилар кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Чунончи, мазкур қадриятларнинг аҳамияти бугунги кунда тобора ортиб бормоқда. Биринчидан, глобал муаммо сифатида кўрилаётган табиатни асрашда миллий экологик қадриятлар асосий ўрин тутди. Иккинчидан, миллий экологик қадриятлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантиришда ижобий роль ўйнайди.

Аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ҳар бир инсонда атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ўлкамизнинг ноёб табиатини келгуси авлод учун асраб-авайлаш ҳиссини шакллантириш энг долзарб масалага айланган. Бугунги кунда экологик ҳолатни яхшилаш ва атроф-муҳитга нисбатан техноген ҳамда антропоген таъсирларнинг олдини олиш муаммоси жаҳон ҳам-жамияти олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, миллий экологик қадриятларнинг юксалишида маънавий тарбия муҳим ўрин тутди. Маънавияти юксак инсоннинг табиатга бўлган муносабати ҳам юқори бўлади. Зеро, тозалик, софлик, поклик ҳар бир кишининг қалбидан бошланади.

Ҳилола БАРАТОВА,
Тошкент Кимё
технологиялари институти
1-босқич талабаси



МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бир неча йилдирки «Ёш қўтқарувчилар» мусобақаси босқичма-босқич ўтказиб келиняпти. Туман ғолиблари вилоят миқёсида, вилоят босқичи ғолиблари эса республика мусобақасида муваффақиятли қатнашмоқдалар. Бундай тадбирларнинг анъанага кўра, болалар дам олиш оромгоҳларида тарбияланаётган ёшлар орасида ҳам ҳар йили ўтказиб келинаётгани қувонарлидир.

Мамлакатимиз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳри босқичда ғолиб чиққан бўлажак халоскор-спортчи ёшлар Тошкент шаҳрида Республика мусобақаларида баҳс юритишди.

Ҳаяжонли дақиқалар. Негаки, нуфузли танлов иштирокчиларининг барчаси бу ерга ғолибликни қўлга киритиш учун узоқ йўл босиб келишган.

Нихоят, ҳал қилувчи танлов Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби стадионида бошланди. Стадион байрамона безатилган, унинг атрофида экилган анвои гуллар ғолибларга омад тиларди, ҳар бири ўзининг ҳаётига қўйган баҳада чийқалиб турибди, ҳар бири ватанпарварлик мавзусидаги мусика ва куй-қўшиқлар жаранглайди.

Мусобақада Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Халқ таълими вазирликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда Республика «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби раҳбарияти ва шахсий таркиби ҳамда БМТ Тараққиёт дастури «Табиий офатлар хавф-хатарини бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикасининг салоҳиятини мустаҳкамлаш» қўшма лойиҳаси вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи — штаб бошлиғи подполковник Бахтиёр Раҳмонкулов очди ва узоқ-яқиндан келган барча

иштирокчиларни спорт байрами — «Ёш қўтқарувчилар» мусобақаси билан қизғин табриклаб, уларга омад тиллади.

Таъкидлаш жоизки, дастлабки мусобақаларнинг қуйи босқичларида жисмоний тайёргарликдан ўтиб келган бўлажак спортчи-халоскорлар 5 босқичдан иборат мусобақада ўзаро куч синашдилар. Тўғри, ҳар бир шартнинг ўзига хос масъулияти ва тартиб-қоида бор. Бунинг учун фақат эҷиллик, зукколик ва хатоларга йўл қўймаслик талаб этилади. Шундай бўлсада, республикамизнинг турли мактабларидан келган ёш жамоалар бир-бирини такрорламайдиган ҳолда мусобақа шартларини бекаму кўст бажаришга астойдил ҳаракат қилишди.

Вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан республикамизнинг шаҳар ва вилоятларидан келган жами 16 жамоа орасида 3 та ғолиб жамоа аниқланди.

«Ёш қўтқарувчилар» республика беллашувида Тошкент шаҳри, Яққасарой туманидаги 172-сонли мактаб жамоаси 1-ўринни эгаллади. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳридаги 13-сонли мактаб жамоаси 2-ўринга, пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 21-сонли Меҳрибонлик уйи жамоаси эса 3-ўринга лойиқ деб топилди.

Ғолиб ва совриндор жамоаларнинг ҳар бири иштирокчисига дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Азамат СУЙОНОВ

Тошкент Метрополитенининг барча ишчи-хизматчилари ҳамда Метрополитен Харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси ходимлари билан биргаликда белгиланган вазибалардан келиб чиққан ҳолда «тилсиз ёв»нинг олдини олиш юзасидан турли тадбирлар олиб боришмоқда. Ёнғинга қарши ўқув машғулоти ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Мазкур учрашувлар давомида Давлат ёнғин назорати инспекторлари томонидан ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари, содир бўлган вақтда давлат мол-мулки ва инсонлар ҳаётини, соғлигини сақлаш борасида дастлаб нималарга аҳамият берилиши ҳамда ёнғинларнинг бошланғич давридан аниқлаш ва тарқалиб кетишининг олдини олиш ҳақида ишчи-ҳодимларга тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Айтиш жоизки, Метрополитен раҳбарияти томонидан бу борада ишлаб чиқилган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Барча туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлинмалари билан биргаликда метрополитен бекатларида хизматчи-ҳодимлар ҳамда ёш ҳодимлар билан бирламчи ёнғин ўчириш воситаларидан фойдаланиш, ёнғин содир бўлган вақтларда уларнинг ҳаракатлари, одамларни қутқариш бўйича амалий машғулоти-ларнинг фаоллиги билан олиб борилаётгани фикримиз

Ўзбекистон Бадий академиясининг Қамолитдин Бехзод мемориал босмузейида Соғлом бола йилига бағишланган «Келажак ниҳоллари» деб номланган кўргазма очилди.

Кўргазмалар

КЕЛАЖАК НИҲОЛЛАРИ

Унда пойтахтдаги республика ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатининг 13 нафар ўқувчиларининг тасвирий санъат ўқитувчиси Дилором Мамедова раҳбарлигида «Устоз-шогирд» тизимида тайёрланган 70га яқин ижодий ишлари намуналари қўйилган.

Тасвирий санъат оламига эндигина қадам қўйган ёш мусаввирларнинг рангтасвир, графика йўналишидаги ижод намуналарида юртимиз табиатининг гўзал манзаралари, йил фасллари, гуллари, мевалари, маданий ҳаётининг айрим қирралари акс этган. Улар орасида «Тогда баҳор.

Оқтош» (Е.Ерофеева), «Космосда» (Э. Исроилова), «Ойдаги олам» (В. Шафаростов), «Кулол» (А. Темиров), «Ховли» (К.Чориева), «Мойчақлар» (С. Аллаберганов) каби ўзига хос ижод намуналарини учратиш мумкин.

Кўргазмани кўздан кечирган ихлосмандлар ёш мусаввирларнинг борлиқни, маданий ҳаётимизнинг ўзига тушунарли бўлган жиҳатларини меҳр билан ранглар танлаб тасвирга туширганлигининг гувоҳи бўлади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Ёшлар ижод саройида Соғлом бола йилига бағишланган «Менинг олашим» номли болалар ижодиёти кўргазмаси очилди.



МЕНИНГ ОЛАМИМ

Унда 5 ёшдан 15 ёшгача бўлган ёш рассомлар иштирок этмоқда.

Кўргазма экспозициясидан муаллифлик асарлари билан бир қаторда ижодиёт марказлари, умумтаълим мактаблари ва маданият марказлари қошидаги болалар рангтасвир, амалий санъат, дизайн студиялари томонидан тақдим этилган ишлар ҳам ўрин олган.

Жумладан, «Мозаика», «Феникс», «Илҳомлиниш», «Политра» студиялари, «Қолибри» арт-бюроси, «Бинафша» болалар ижодий студияси, Яққасарой туманидаги 18-сонли болалар мусика ва санъат мактаби, Ўзбекистон Арман миллий-маданий маркази қошидаги «Арвест» студияси, Юнусобод ва Сергели туманлари «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказлари, Миробод туманидаги 60-сонли махсус мактабгача таълим муассасаси ҳамда Ҳамза туманидаги 457-мактабгача таълим муассасалари вакиллари кўргазмада иштирок этмоқда.

Ёш иштирокчилар асарларидаги мавзулар бадий-услубий ечими билан ўзига хос ва қизиқарлидир.

Асарларнинг ишланиш услуби акварель, гуаш, қалам, мойбўёқ, аппликация ва компьютер графикаси ҳамда лой ва бисердан бажарилган майда пластика билан ҳам ажралиб туради.

Айнан шундай кўргазмалар болаларга ижоди орқали уларнинг ҳаётга бўлган интилиши, дунёқараши ва ҳиссиётларини акс эттиришига катта имкондор.

Болалар ижодий кўргазмасини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди, — дейди 60-махсус мактабгача таълим муассасаси тасвирий санъат тўғраги раҳбари Наима Шукуралоева. — Бизнинг ушбу кўргазмада иштирок этишдан қўланган асосий мақсадимиз, Ватан туйғусини ёшлар онгига шакллантириш, болаонларга ёшликнинг олтин давр эканлигини тушунтириш, уларнинг ижодини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Мазкур кўргазма экспозициясидан 100 дан ортиқ расмлар, рангтасвир ва қўлда ясалган асарлар жой олган.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА
Алексей Попов олган сурат

Ўзбекистон Давлат консерваториясида мумтоз мусиқа намуналари асосида тайёрланган концерт дастури бўлиб ўтди.

Санъат

УМРИ БОҚИЙ ҚЎШИҚЛАР

Унда Ўзбекистон Давлат консерваторияси ўқитувчилари Комила Бўриева ҳамда Салоҳиддин Азизбоев раҳбарлигида мумтоз қўшиқларни кунт билан ўрганаётган талабалар ижросида дилтортар қўшиқлар санъат ихлосмандлари ҳукмига ҳавола этилди.

Қувонарли жиҳати шундаки, ота-боболаримиздан мерос қолган, ҳозирда ҳам дилларни

ҳаяжонга солиб келаятган мумтоз ашулаларнинг ёш ижрочилар томонидан ўзгача завок ва маҳорат билан ижро этилганлиги мутахассисларда илиқ таассурот уйғотди.

Ушбу концерт дастури мумтоз қўшиқлар ва мақом ижрочилиги намуналарининг умри боқий эканлигини яна бир қара исботлади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Дзюдо

СУҲРОБ ПОЛВОН СОВРИНДОРЛАР САФИДА

Австриянинг Лейбниц шаҳрида дзюдо бўйича 1994 — 1996 йилларда тутилган ёшлар ўртасида ўтказилган Европа очик кубогига ҳамкортишимиз Суҳроб Турсунов учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, нуфузли мусобақанинг вазни 66 килограммгача бўлган дзюдочилар ўртасидаги беллашувларида қатнашган С.Турсунов словениялик Янус Зидан Ник, италиялик Маттео Медвес, польшалик Виктор Мравчински, япониялик Тори Теншо, италиялик Биаччо Стефанелли ва бельгиялик Марк Винсентани мағлубиятга учратиб, бронза медални қўлга киритди.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири

2014 йил — Соғлом бола йили

МАҚСАД — ИҚТИДОРЛИ СПОРТЧИЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан ғамхўрлик ўғил-қизларнинг жисмоний тарбия ва спортга қизиқишини ошириш ва ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида муҳим омили бўлмоқда. Бу жараёнда болалар спортини иншоотларида спорт турлари билан шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратилаётгани диққатга сазовор.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 30-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ана шундай масканлардан. Бу ерда 486 нафар ёшлар футбол, теннис, самбо, сузиш, бокс, дзюдо ва эркин кураш сирларини пухта ўрганимоқда.

Спорт билан мунтазам шуғулланишнинг самаралари болаларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик бўлиб вояга етишида аққол намоён бўлмоқда, — дейди спорт мактаби директори ўринбосари Екатерина Сербинова. — Мактабимизда машғулотлари юқори савияда ташкил этиш орқали ёшларни катта мусобақаларга босқичма-босқич тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Мактаб замонвий спорт иншоотлари футбол майдони, спорт зали, усти ёпиқ сузиш ҳавзаси, ювиниш ва кийим алмаштириш хоналарини ўз ичига олган. Спорт секциялари фаолияти каттиқ жадвал асосида ташкил этилган.

Бу ерда қизларни спортга жалб этишга ҳам эътибор қаратишмоқда. Айни пайтда мактабда 62 нафар қиз футбол, самбо, теннис ва эркин кураш тўғрақларида иштирок этмоқда. Келгусида ҳудуддаги маҳаллалар қизларининг бадий гимнастикага қизиқишини инobatта олиб, спортнинг ушбу нафис тури бўйича секция ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Тарбияланувчиларнинг тақриба ва маҳоратини ошириш мақсадида турли мусобақалар мунтазам ташкил этилади. Жумладан, Ватан ҳимоячилари кўни, Наврўз умумхалқ байрамига бағишлаб самбо бўйича шаҳар чемпионати, Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан ўтказилган «Қувнок стартлар», Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўнига бағишлаб ташкил этилган футбол, сузиш ва самбо мусобақаларида тобланган ёш спортчилар шаҳар ва мамлакат чемпионатларида ҳам юқори натижаларни қўлга киритмоқда.

Ўтган йили спорт мактаби вакилларида Рўзмет Жўраев, Фаррух Қайомов, Айтбой Аскарлов, Азизулло Рустамов, Улуғбек Отажонов, Сардор Беғалиев ва Тоир Эргашев мамлакат биринчиликларида муносиб иштирок этиб, совринни ўринларини қўлга киритди.

Олти ёшдан футбол билан шуғулланаман, — дейди Умиджон Аскарлов. — Оиламизда спорт, айнаикса, футболга қизиқиш кучли. Отам ёшлигида пойтахт футбол клубларида тўп сурган. Мен ҳам келажакда моҳир футболчи бўлиш учун астойдил ҳаракат қилмоқдаман.

(ЎЗА)

Замонавий технологиялар

МОБИЛЬ АЛОҚА ТИЗИМИНИНГ ЯНГИ СТАНДАРТИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Телекоммуникация соҳасида кундан кунга ривожланиб келаётган, шу билан бирга Ўзбекистонда ҳам қўлланила бошланган 4G номли янги стандарт — симсиз уяли алоқанинг туртинчи стандарти ҳисобланади. Бу стандарт 2G ва 3G стандарт оилаларининг давомчиси бўлиб, 2008 йилда ITU-R ташкилоти томонидан яратилди. Унинг яратилиши учун яна бир сабаб, юқори тезликка эҳтиёж авжига чиққанилигидир.

4G тизими ҳар томонлама хавфсиз, ишончли бўлиб, кенг поласали диапалазонда ишловчи ноутбуклар, смартфонлар ва бошқа ҳаракатдаги қурилмалар учун янги мақбул ечимни таъминлайди. Фойдаланувчилар учун уяли алоқа поласали интернет хизмати, IP телефония, турли ўйин хизматлари ҳамда мультимедия оқимларидан фойдаланиш таъминланади.

4G (4-авлод) тизимига яқинлашаётган мобиль алоқа тизимлари 3G (3-авлод)даги мавжуд камчиликларини бартараф этиш ва янги хизмат турларининг ҳажмини ошириш, юқори сифатли товуш хабаридан тортиб, юқори сифатли видео хабарларини узатиш тезлигини юқори даражага етказиш мақсадида лойиҳалаштирилган.

4G авлоди фақатгина уяли телефон тизимида эмас, балки, турли хил кенг поласали симсиз алоқа тизимларида ҳам қўлланилади. Шунинг учун ушбу тизим «MAGIC», яъни сеҳрли деб номланган ва бу қўйидаги таърифланиди: ҳаракатдаги мультимедия, ҳамма вақт — ҳамма ерда, глобал ҳаракатчанликни қўллаб-қувватлаш, интеграцияланган симсиз алоқа ечими ва одатий шахсий хизматлар.

Мобиль алоқа тизимлари тарихи шуни кўрсатдики, ушбу соҳадаги сай-ҳаракатлар натижаси, бу бир неча турдаги технологияларнинг умумлашган қўрилишига эга бўлганлигидир. Бу эса умумий глобал стандарт қўрилишига ўтганлигини англатади. Ҳозирги давргача асосан тезлик масаласи энг биринчи муаммолардан ҳисобланиб келган. Ўз-ўзидан қўринадики, тезлик масаласи маълум даражада ҳал бўлди ва келажакдаги симсиз тармоқлардан кўп фойдаланувчилар ўртасида ўзаро маълумот алмашишни таъминлаш учун турли хилдаги IP мультимедия дастурларини қўллашни йўлга қўйиш талаб этилади.

Нодир КОДИРОВ,
ТАТУ 3-босқич талабаси



Тошкент шаҳрида 6 июнь кунини ҳаво ўзгариб туради, кунининг иккинчи ярмида қисқа муддатли ёмғир, жала ёғиш эҳтимоли бор. Ҳарбат секундида 3-8 метр тезликда, жала вақтида кучайган ҳолда секундида 12-17 метр тезликда ша-

мол эсиши мумкин. Ҳарорат кечаси — 16-18, кундузи — 31-33 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг метеоролог хизмати маълумотига кўра, 6 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шaroити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратилди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фазда қўлайиш тахмин қилинмоқда, таъмиқдори паст бўлади.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 656

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95
факс: (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, chorshanба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
11961 нускада босилди.
Қозғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акматали АҚМОВ